



№ 42
2020-йил, 25-ноябр
Chorshanba (32.637)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Улуглардан улугимсан, Ватаним!

O'zbekiston OVOZI

«2021 йил учун ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ БИРИНЧИ ЎҚИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

2020 йил 24 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов иштирок этди.

Парламент аъзоларига қонун лойиҳаси билан бирга 2022–2023 йилларда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари прогнози ҳам тақдим этилди.

Йиғилишда қонун ташаббуси субъектлари сифатида иштирок этган Молия вазирлиги ва бошқа вазирлик ҳамда идора раҳбарлари қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ҳамда концепциясига тўхталиб ўтилди.

Парламентга тақдим этилган қонун лойиҳаси макроиктисодий сиёсатнинг 2021 йил учун асосий йўналиши ва кўрсаткичлари келгуси йилда ҳам коронавирус пандемияси давом этиши эҳтимоли борлигидан келиб чиқиб шакллантирилган. Бунда асосий эътибор макроиктисодий барқарорликни сақлаб қолишга, яъни ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши кейинги йилларда унинг ижобий динамикасини сақлаб қолган ҳолда, 5,1 фоиз миқдорда бўлиши назарда тутилмоқда. Хусусан, sanoat ishlab chiqarishi хажми 5,8 фоиз, қурилишда 6,5 фоиз, қишлоқ хўжалигида 2,7 фоиз ва хизматлар соҳасида 6,4 фоиз кўпайиши назарда тутилмоқда.


2021 йилда мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 688,9 триллион сўми, Давлат бюджети даромадлари 147 триллион сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 21,3 фоиз даражасида бўлиши кутилмоқда.

Давлат бюджетининг харажатлари эса, 165,7 триллион сўми ташкил этади. Бу 2020 йилдагига нисбатан 24,0 фоизга кўп бўлиб, бунда Давлат бюджет харажатларининг ярмидан ортиги ижтимоий соҳаларга йўналтирилади.

Давоми 2-бетда. ▶



ТЕЛЕМЕДИЦИНА БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИДА ИШГА ТУШИРИЛДИ



Ўзбекистоннинг МДХдаги раислиги доирасида БМТ Бош Ассамблеясининг «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ўртасидаги ҳамкорлик» махсус резолюцияси қабул қилинди



Жорий йил 23 ноябрь куни Нью-Йорк (АҚШ) шаҳридаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош қароргоҳида БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси доирасида «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ўртасидаги ҳамкорлик» махсус резолюцияси қабул қилинди.

Ҳужжат Ўзбекистон томонидан 2020 йил МДХдаги раислик доирасида киритилди ва БМТга аъзо барча давлатлар уни яқдиллик билан қўллаб-қувватлади.

Мажлисида Ўзбекистон Республикасининг БМТдаги Доимий вакили, элчи Бахтиёр Ибрагимов резолюцияни МДХга аъзо давлатлар номидан тақдим қилди.

У ўз мурожаатида тadbир иштирокчиларини Ўзбекистоннинг МДХдаги раислиги бўйича фаолиятининг устувор йўналишлари билан таништирди, Ҳамдўстликнинг муҳим тadbирлари яқунларига тўхталди. Ушбу тadbирлар давомида Ҳамдўстликка аъзо давлатлар ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ҳамда ташкилотнинг халқаро майдондаги обрўсини юксалтириш бўйича муҳим қарорлар муҳокама этилди ва қабул қилинди.

Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган резолюцияда, хусусан, МДХнинг савдо ва иқтисодий тараққиёт соҳасидаги минтақавий ҳамкорлик, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, туризм, илм-фан ва инновациялар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа муҳим тармоқларда биргаликдаги ишларни мустаҳкамлашга қаратилган фаолияти таъкидланган.

Резолюция икки тузилма ўртасидаги ҳамкорлик ва мувофиқлаштирилган ҳаракатларни мустаҳкамлаш муҳимлигини тасдиқлаб, БМТ тизимининг ихтисослаштирилган идоралари ва бошқа ташкилотлари, дастурлари ва жамғармалари, шунингдек, халқаро молия институтларини МДХ билан ҳамкорлиқни ривожлантиришга чақирган.

Эслаб ўтамиз, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Ўзбекистон ўз тарихида биринчи марта 2020 йил

МДХга раислиқни қабул қилган эди. Раислиқнинг устувор йўналиши этиб кўп томонлама ҳамкорлиқни изчил кенгайтириш ҳамда самарадорлиқни ошириш белгиланди.

Мамлакатимиз Президенти МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг 2019 йил октябрь ойида Ашхобод (Туркменистон) шаҳрида бўлиб ўтган мажлисидаги нутқида Ўзбекистон МДХни, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни чуқурлаштириш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, транспорт-логистика ва транзит салоҳиятини очиш, хавфсизлик ва маданий-гуманитар алмашинуни мустаҳкамлашдаги амалий шериклиқни чуқурлаштириш учун самарали платформа деб билишини таъкидлаган эди.

Ўзбекистон МДХдаги раислик доирасида Ҳамдўстлик фаолияти учун амалий аҳамиятга эга ҳужжатларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратаётганини қайд этиш лозим. Ўзбекистон томонидан шу мақсадда Раислик концепцияси ва уни амалга ошириш режаси қабул қилинди. Ҳукумат раҳбарлари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши ва Иқтисодий кенгаш мажлислари каби қатор муҳим тadbирлар ўтказилди.

«Дунё» АА.
Нью-Йорк.

ДЕПУТАТЛАР ФИКРИ

Давлат бюджети мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим масалаларнинг энг муҳими бўлиб, бошқа барча масалалар тақдирини ҳал қилади. 18 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2020 йил 9 ойи яқунлари ижроси тўғрисидаги ҳисобот муҳокама қилинган эди.

Куни кеча эса «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

ЎзХДПдан сайланган депутатлар қандай фикрлар билдиришмоқда?



Нуриддинжон
ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси
Спикери

Давлат бюджети ижросининг аввалги йиллардан яна бир фарқли жиҳати шундаки, бюджетни қонун лойиҳаси сифатида шакллантириш ва ижросини муҳокама қилиш жараёнида шаффофликни таъминлашга катта эътибор қаратилаётганидир.

Улугбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
Ўзбекистон ХДП
фракцияси раиси



Маълумки, мақсадли жамғармалар соҳалардаги вазиятни ўнглаш, тармоқлар ва фуқароларга молиявий ёрдам бериш мақсадида ташкил этилган. Уларнинг бюджетлари ижросидаги сустрасиқлар жойларда ижтимоий муаммолар ҳал этилмай қолиши, энг ёмони, янада кўпайишига олиб келади.

Ижтимоий соҳалардаги муаммоларни ҳал этиш асосий вазифаси бўлган вазирлик ва ташкилотлар томонидан ҳа-то-камчиликларга ҳамда совуққонликка йўл қўйилганини муроса қилиб бўлмайди ҳолат, деб ҳисоблаймиз. Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси ҳақидаги ахборот ва маълумотлар соҳа ҳамда тармоқлар даражасида очик бўлмаса, парламент, жамоатчилик назорати механизмлари яратилмаса, бюджет ижроси билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиб бўлмайди.

Мақсуда
ВОРИСОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси



Бюджет ижроси ҳақидаги муҳокамаларда яққол сезилдики, вазирликлар ўртасида хабардорлик муҳити етишмайди, айрим маълумотларда номувофиқликлар келиб чиқди, бу камчиликлар ҳукуматдан Бюджет ижроси бўйича вазирликларнинг масъулиятини ошириш зарурлигини кўрсатади.

Очиқ ва таъсирчан чоралар кўриши зарур, деб ҳисоблайди. Энг муҳими, ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағлардан тўғри фойдаланиш ва унинг натижадорлигига эришиш зарур. Ушбу вазифа партияимиз учун принципиал аҳамиятга эга.

ОБУНА — 2021



«Ўзбекистон овози» газетасига
обуна давом этмоқда

Мурожаат учун телефонлар:
71 233-65-45, +99891 162-72-81, 71 236-74-33

ОБУНА ИНДЕКСИ — 220

